

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш  
Давлат комиссияси



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия  
этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига  
2007-2017 йилларда киритилган навлар ва  
дурагайларнинг

## ТАВСИФИ

ТОШКЕНТ 2017 йил

**Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш  
Давлат комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун  
тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари  
Давлат реестрига 2007-2017 йилларда киритилган  
навлар ва дурагайларнинг  
ТАВСИФИ**

**ТОШКЕНТ 2017 йил**



## **Кириш сўзи**

Башарият тарихида инсон маданияти ва тараққиёти бешиги бўлган ўлкамизнинг дехкончилик маданияти тарихи ҳам қўп минг йилларга бориб тақалади. Бу ўлкага табиат ҳам қарашган, унинг тупроқ шароити ва иқлимининг хилма-хиллиги бошқа мамлакатларда учрамайди. Ҳарорат шимолий ҳудудларимизда йигирма даражада совуқ бўлиб турган бир пайтнинг ўзида, жанубий минтақаларимизда йигирма даражада иссик бўлиб туриши одатий ҳол.

Дехконларимиз қадим-қадимдан ўзи яшаб турган жойининг тупроқ-иқлим шароитларига мос экин турларини танлаб олган ва унга мос навларни яратиб тўкин сочинликда хаёт кечиргандар. Жанубий ҳудудларимизда йилнинг ҳамма фаслида зироат экинчилик қилиш анъанага айланаб қолган. Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм каби шимолий ҳудудларимизнинг иқлими кескин ўзгарувчан ва ерлари турли даражада шўрланган бўлсада, бу ерларда етишириладиган ширин-шакар полиз маҳсулотлари ва меваларнинг тенги йўқ. Гап уларнинг нафақат тилни ёрадиган ширинлигига балки улардаги ўзига хос хуштаъм полиз ва мева маҳсулотлари дунёнинг хеч бир мамлакатида учрамаслигига ҳам. Биргина Хоразм қовунининг “Гурвак” навини олиб кўрайлик, унинг ўзига хос хушбўй таъми ҳатто хорижлик истеъмолчиларни ҳам ҳайратга солади.

Республикамизнинг табиий тупроқ-иқлим шароити, дунёда экиб етишириладиган ҳар қандай экинни ўстириб ҳосил олиш талабига жавоб бера олади.Faқатгина дехконларга ҳудудларининг тупроқ шароитлари ва иқлимига мос келадиган экинларнинг улар истаган навларини тўғри танлашда ёрдам берилса кифоя.

Мустақиллик йилларида илгари кўз кўриб қулоқ эшитмаган янги экинлар Республикаизга кириб келиб бозорларимиздаги тўкин-соинликни ва хилма-хилликни янада бойитди. Бир сўз билан айтганда мустақиллигимиз жаҳон селекция ютуқларига ўз бағрини очди, зеро ҳар қандай янги яратилган нав, у қаерда яратилган бўлмасин бутун жаҳон ҳалқига хизмат қилиши лозим. Бугунги қонунларимиз (“Селеция ютуқлари”, “Уруғчилик тўғрисидаги” ва “Ўсимликлар карантини тўғрисидаги” қонунлар) шуни тақазо этади. Бўлажак ҳосилнинг юкори ва сифатли бўлиши қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини минтақалар бўйича оқилона жойлаштиришга ҳамда мос агротехника қоидалари асосида парвариш қилишга боғлик.

Мазкур нашрга 2007-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестрига киритилган навлар ва дурагайлар тавсифи киритилмоқда.

Навлар ва дурагайлар тавсифи Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси мутахассислари томонидан, Давлат нав синови натижалари асосида тайёрланди.

Ушбу нашр Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг расмий хужжати хисобланади.

# ТЕХНИК ЭКИНЛАР



## Ғұза

### 2002133 Бухоро-8

Бухоро пахталиги масъулияты чекланган жамиятида Бухоро-6 навига бир паллали ўсимликларнинг фотосентиз ирсиятини ўтказиш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: А.М.Баталов, Н.Симонгулян, М.Баракаева, Р.Рустамова, Д.С.Ядгаров, Б.Н.Рахматов, Х.Ш.Нематов, З.Бакирова, М.Нұмонаев  
*G. hirsutum* турига мансуб.

2007 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-120 см, устунсимон, пояси кам тукланган, ранги тўқ яшил, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 2-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули йириқ, юкори қисмида оч сарик, асосий қисмида тўқ сарик рангда. Кўсаги катта, думалокроқ, кам ривожланган бурунчали, тўқ яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 138 г.

Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларида 2005-2009 йилларда ўртача ҳосилдорлиги гектарига 41,2 центнерни ташкил қилган. (Қоракўл Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 42,1 ц/га, Фиждувон Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 40,6 ц/га бўлган).

Вегетация даври 120 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 7,4-7,6 г. Тола чиқими 36,8-37,6 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### 2002124 Чимбой-5018

Қорақалпоғистон Дәхқончилик илмий тадқиқот институтида С-9070 x 175Ф навларини сунъий чатиштириш ва якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: У.Айтжанов, С.Нзамов, П.Ибрагимов, Б.Бердикеев, Ш.Аллашов, О.Нагметов, Б.Мамбетназаров, Т.Холходжаев.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2007 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110 см, конуссимон, пояси кам тукланган, тўқ яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5-типда. Барги ўртача, 5 бўлакли, тўқ яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарғиш рангда. Кўсаги ўртача, юмолоқ, кичик бурунли, тўқ яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 131 г.

Қорақалпоғистон Республикасидаги нав синаш станция ва участкаларида 2004-2008 йилларда ўртача ҳосилдорлиги гектарига 32,6

центнерни ташкил қилган. (Элликқалъа Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 39,0 ц/га бўлган).

Вегетация даври 119 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,6-5,7 г. Тола чикими 36,2-37,4 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2002118 Андижон-36**

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти Андижон филиалида (175 Ф x Андижон-13) x Андижон-21 навларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: М. Дадажонов, А. Қосимов, Т. Комилов, Х. Эгамов, О. Махмудов, Р. Исмадияров.

G. hirsutum турига мансуб.

2009 йилдан Андижон, Наманган, Тошкент ҳамда Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, цилиндрический, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарғиши рангда. Кўсаги ўртача, юмалоқ овалсимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 108 г.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2003-2007 йилларда гектарига 42,9 центнерни ташкил қилган. (Кўргонтепа Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 46,7 ц/га, Уйчи Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 38,6 ц/га, Кўштепа (Охунбобоев) Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 43,6 ц/га, бўлган).

Вегетация даври 120-125 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,2-5,9 г. Тола чикими 35,9-38,1 %. Толаси IV типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 7-10 %.

### **2006191 Наманган-34**

Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида F11 C-1973 x 02654 тизимларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида яратилган.

Муаллифлари: В. Автономов, П. Ибрагимов, М. Қипчақов – 20, Н. Ҳожамберганов, Р. Сайдов, Н. Солихўжаев, М. Нариманова.

G. hirsutum турига мансуб.

2009 йилдан Навоий ва Самарқанд вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-1,5 - типда. Барги кичик, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 117 г.

Навоий ва Самарқанд вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларидаги ўртача хосилдорлиги 2006-2008 йилларда гектарига 38,6 центнерни ташкил қилган. (Каттақўргон Давлат нав синаш участкасида хосилдорлиги 40,5 ц/га, Хатирчи Давлат нав синаш станциясида хосилдорлиги 41,8 ц/га бўлган).

Вегетация даври 123-130 кун. Битта кўсақдаги паҳтанинг оғирлиги 5,7-6,2 г. Тола чиқими 36,8-37,1 %. Толаси IV типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 3,8-4,5 %.

### **2005143 С-6541**

Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида F4 С-6530 x С-6524 тизимларини 50 чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида яратилган.

Муаллифлари: В.А. Автономов, В. Автономов, П. Ибрагимов, О. Кимсанбоев, Т. Комилов, Х. Хусанов, Н. Хожамберганов, Р.Т. Обидов.

G. hirsutum турига мансуб.

2009 йилдан Жиззах вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-1,5 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарқ рангда. Кўсаги ўртача, юмолоқ узунчоқ, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 116 г.

Жиззах вилоятидаги Жиззах нав синаш участкасида ўртача хосилдорлиги 2004-2008 йилларда гектарига 27,2 центнерни ташкил қилган.

Вегетация даври 117-119 кун. Битта кўсақдаги паҳтанинг оғирлиги 4,5-5,0 г. Тола чиқими 39,2 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 3 %.

### **2004019 Хоразм-150**

Ўзбекистон Паҳтачилик илмий тадқиқот институти Хоразм филиалида Т-5493-89 тизмасидан бир қанча мартараб якка танлаш йўли билан табий равишда ажратиб олинган.

Муаллифлари: О.Искандаров, Ю.Жуманиёзов, О.Атабаев, Ш.Ибрагимов. G. hirsutum турига мансуб.

2009 йилдан Хоразм вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-110 см, пирамидасимон, пояси ўртача тукланган, тўқ кўқ рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5-2-типпа. Барги йирик, 3-5 бўлакли, тўқ кўқ рангда. Гули ўртача катталикда, сарғимтирирангда. Кўсаги йирик, думалоқ, силлиқ, кўқ рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 128 г.

Хоразм вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2009-2010 йилларда гектарига 31,5 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 120-125 кун. Битта қўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,5-5,9 г. Тола чиқими 36,2-37,3 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2001013 Дустлик-2**

Қорақалпогистон Дехқончилик илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти билан биргалиқда C-4727 x F1 (C-1973 x 02800) навларини чатиштиришдан олинган дурдай популяциялардан белгили йўналишда кўп йиллар давомида якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: У.Айтжанов, С.Нзомов, П.Ибрагимов, Б.Бердиев, Ш.Аллашов, О.Нагметов, Б.Мамбетназаров.

G. hirsutum турига мансуб.

2011 йилдан Қорақалпогистон Республикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-100 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-1,5-типпа. Барги ўртача, 5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сариқ рангда. Кўсаги ўртача, думалок овалсимон, кичик бурунли, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 126 г.

Қорақалпогистон Республикасидаги нав синаш станция ва участкаларида 2006-2010 йилларда ўртача ҳосилдорлиги гектарига 32,9 центнерни ташкил қилган. (Хўжайли Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 33,2 ц/га бўлган).

Вегетация даври 119 кун. Битта қўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,8-6,0 г. Тола чиқими 36,0-36,7 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2006192 Султон**

Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтидаги F4 (F1G.thurberi x G.raimondii) x Acala sj-5 асосида яратилган.

Муаллифлари: Ш. Номозов, Н. Хожамберганов, П. Ибрагимов, Х.Хусанов, С. Рахманкулов, У. Муротов.

G. hirsutum турига мансуб.

2011 йилдан Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 130-140 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарғиш рангда. Кўсаги

ўртача, эллипссимон шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 125,6 г.

Давлат нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2006-2010 йилларда гектарига 38,0-44,0 центнерни ташкил килган. (Кўргонтепа Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 44,0 ц/га, Термиз Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 40,4 ц/га бўлган).

Вегетация даври 110-120 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,6-6,6 г. Тола чиқими 36,4-36,8 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 6,5 %.

### **2006188 Бешқаҳрамон**

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (*G.hirsutum L*) хазмогам гулли ва турлараро дурагайлаш йўли билан олинган Л-517 ҳамда АН-415 навларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Т. Мухиддинов, Б. Жўраев, Ф. Маматмуродов, А. Абдулаев, А. Абдукаримов.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2011 йилдан Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5-типпа. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача, сарғиш рангда. Кўсаги ўртача катталикда, тухумсимон шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 118,2 г.

Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2006-2010 йилларда гектарига 39,5 центнерни ташкил килган. (Шахрисабз Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 43,6 ц/га бўлган).

Вегетация даври 111-121 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 4,6-5,4 г. Тола чиқими 37,5-38,5 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2007207 Ибрат**

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқикот институти Андижон филиали ҳамда Хоразм вилояти Кўшкӯпир туманидаги “Ибрагим Давлат” фермер хўжалиги билан биргаликда Андижон-9 навини 175-Ф нави билан чатиштириш ва кўп марта танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: О. Ибрагимов, А. Юматов, Х. Эгамов, К. Собиров, О. Махмудов, Т. Комилов, М. Дадажонов, А. Қосимов, А. Бобоязов, А. Урунов.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2011йилдан Хоразм вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5-2-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарғиш рангда. Кўсаги ўртача, тухумсимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 110 г.

Хоразм вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2006-2011 йилларда гектарига 28,0 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 120-127 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 5,0-5,5 г. Тола чиқими 35,0-36,0 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2003136 Кўпайсин**

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (*G.tricuspidatum* (var. *El-salvador*)) асосида яратилган.

Муаллифлари: Ф. Джаникулов, А. Абдуллаев, И. Қаххоров, Ф. Салохиддинов, А. Абдукаримов.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2012 йилдан Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули катта, сариқ рангда. Кўсаги ўртача катталиқда, тухумсимон шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 103 г.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2006-2010 йилларда гектарига 31,9 центнерни ташкил қилган.

Вегетация даври 117-125 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 4,8-5,2 г. Тола чиқими 35,2-37,0 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 3,6 %.

### **2007260 Гульбахор-2**

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида С-4534 x Л-454 навларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Н. Губанова, О. Жўраев, А. Абдукаримов, Н. Солижоджаев, А. Бердиқулов, З. Садикова, Н. Санаев.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2012 йилдан Сирдарё вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-1,5-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули катта, сарғиш рангда. Кўсаги катта, элипссимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 113,7 г.

Сирдарё вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2011-2012 йилларда гектарига 31,6 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 123-127 кун. Битта кўсакдаги паҳтанинг оғирлиги 5,0 г. Тола чиқими 35,6-37,0 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2002119 Андижон-37**

Ўзбекистон Паҳтачилик илмий тадқиқот институти Андижон филиалида (Линя-37 x Наманганд-77) x Андижон-22 навларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: А. Қосимов, М. Дадажонов, Т. Комилов, Х. Эгамов, О. Махмудов, Р. Исмадиёров.

G. hirsutum турига мансуб.

2012 йилдан Андижон вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-110 см, пирамидасимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 2-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, юмалоқ овалсимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 105 г.

Андижон вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2007-2011 йилларда гектарига 40,2 центнерни ташкил қилган. (Кўр丰тенепа Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 42,0 ц/га, Шаҳриҳон Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 42,9 ц/га бўлган).

Вегетация даври 121-123 кун. Битта кўсакдаги паҳтанинг оғирлиги 5,5-5,7 г. Тола чиқими 36,7-37,2 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 7 %.

### **2006193 С-6775**

Ўзбекистон Фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида F11 С-1973 x 02654 тизимларини чатиштириш ва қўп йиллик якка танловлар натижасида яратилган.

Муаллифлари: А. Эгамбердиев, С. Эгамбердиева, А. Сиддиков, М. Қипчаков, П. Ибрагимов, С. Григорьев.

G. hirsutum турига мансуб.

2013 йилдан Фарғона вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 1-типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарғиши рангда. Кўсаги ўртача, тухумсимон шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 120,7 г.

Фарғона вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2006-2012 йилларда гектарига 37,6 центнерни ташкил қилган. (2012 йилда Қўштепа Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 48,7 ц/га бўлган).

Вегетация даври 116-124 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 4,0-5,8 г. Тола чиқими 35,1-37,0 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2002122 Навбахор-2**

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида Л-348 x Ак 08086 навларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Н.Б. Губанова, О.Д. Джураев, З.Ю. Садикова, Н.О. Солихаджаев.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2013 йилдан Сирдарё вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, цилиндрический, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 0,5-1 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарғиши рангда. Кўсаги катта, юмолоқ, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 126 г.

Сирдарё вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2008-2010 йилларда гектарига 33,2 центнерни ташкил қилган. (Оқолтин Давлат нав синаш участкасида ҳосилдорлиги 33,7 ц/га бўлган).

Вегетация даври 121-129 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 5,2 г. Тола чиқими 38,6 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланмаган.

### **2002127 С-8284**

Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида ((Л-158 x С-6530) x Л-158) навларини кўп мартали якка нанлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Р.Г. Ким, П. Ибрагимов, Т. Комилов, Я. Бабаев, А. Амантурдиев, М. Мирахмедов, Р. Абидов.

*G. hirsutum* турига мансуб.

2014 йилдан Самарқанд, Хоразм вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 95-105 см, конуссимон, пояси қучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1,5-2 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарғиш рангда. Кўсаги катта, эллипссимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг vazni 136 g.

Самарқанд вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2003-2007 йилларда гектарига 37,9 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 119-120 кун. Битта кўсақдаги паҳтанинг оғирлиги 5,7 г. Тола чиқими 36,0 %. Толаси V типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 1 %.

### **2014301 Порлок-1**

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзпаҳтасаноат” уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказида Ан-баявут-2 нави асосида Ген нокаут йўли билан яратилган.

Муаллифлари: И. Абдурахимов, А. Абдукаримов, З. Буриев, Х. Убайдуллаева, А. Макамов, У. Шапулатов, М. Дарманов, О. Тураев, Х. Рузибаев ва бошқалар.

G. hirsutum турига мансуб.

2015 йилдан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси ўртача тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-2-типпда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача, сарғиш рангда. Кўсаги катта, овалсимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг vazni 135 g.

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2014 йилларда гектарига 37,3 центнерни ташкил қилган. (Термиз Давлат нав синаш станциясида ҳосилдорлиги 42,8 ц/га бўлган). Вегетация даври 116-120 кун. Битта кўсақдаги паҳтанинг оғирлиги 5,5 г. Тола чиқими 30,8-31,6 %. Толаси IV типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 1,8 %.

### **2014302 Порлок-2**

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзпаҳтасаноат” уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказида С-6524 нави асосида Ген нокаут йўли билан яратилган.

Муаллифлари: И. Абдурахимов, А. Абдукаримов, З. Буриев, Х. Убайдуллаева, А. Макамов, У. Шапулатов, М. Дарманов, О. Тураев, Х. Рузibaев ва бошқалар.

G. hirsutum турига мансуб.

2015 йилдан Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-110 см, цилиндрисимон, пояси кам тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 2-3-типпда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача, сарғиш рангда. Кўсаги катта, эллипссимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўқилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 145 г.

Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларидағи нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2014 йилларда гектарига 36,7 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 114-120 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 4,8-5,4 г. Тола чиқими 31,6-32,5 %. Толаси IV типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 7,5 %.

#### **2014303 Порлок-4**

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказида Наманган-77 нави асосида Ген нокаут йўли билан яратилган.

Муаллифлари: И. Абдурахимов, А. Абдукаримов, З. Буриев, Х. Убайдуллаева, А. Макамов, У. Шапулатов, М. Дарманов, О. Тураев, Х. Рузibaев ва бошқалар.

G. hirsutum турига мансуб.

2015 йилдан Фарғона вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, конуссимон, пояси кам тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 1-2-типпда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача, сарғиш рангда. Кўсаги катта, овалсимон, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўқилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 115 г.

Фарғона вилоятидаги Кўштепа синаш станциясида ўртача ҳосилдорлиги 2014 йилларда гектарига 49,6 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 120 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 5,0 г. Тола чиқими 35,0 %. Толаси IV типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 4,5 %.

## **2012266 С-6550**

Ўзбекистон Фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Л-712 (F5Л-50 x Л-102) тизимларини чатиштириш ва кўп мартали танлов натижасида яратилган.

Муаллифлари: В. Автономов, О. Кимсанбоев, А. Амантурдиев, Х.Хусанов, Н.Хожамберганов.

G. hirsutum турига мансуб.

2015 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-130 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 1-2 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, думолоқ чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 110-115 г.

Сурхондарё вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2012-2014 йилларда гектарига 31,3 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 117 кун. Битта кўсакдаги паҳтанинг оғирлиги 5,4 г. Тола чиқими 37,4 %. Толаси 4 типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 4,8 %.

## **2007209 Наманган-102**

Ўзбекистон Фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида 1992 йил 159 Ф x 02654 дурагайларининг 5 бўғимидағи 102 оиласидан кўп мартали танлов натижасида яратилган.

Муаллифлари: В. Автономов, М. Қипчоқов, А. Амантурдиев, П. Ибрагимов, У. Жавлиев, Н.Хожамберганов, М. Наримонова, Б.Холмонов, Р. Эгмбердиев

G. hirsutum турига мансуб.

2016 йилдан Қашқадарё вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-130 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шоҳлари 1-2 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, думолоқ чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 110-115 г.

Қашқадарё вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2012-2014 йилларда гектарига 33,0 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 119 кун. Битта кўсакдаги паҳтанинг оғирлиги 5,4 г. Тола чиқими 37,9 %. Толаси 4 типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 2,8 %.

## **2011253 Пахтакор -1**

Ўзбекистон Пахтакорлик илмий тадқиқот институтининг Жиззах филиалида яратилган. Тошкент-1 х Л-175 ларни ўзаро чатиштириб дуррагайларининг кўп мартали танлов натижасида яратилган.

Муаллифлари: С. Уралов, Ж. Ахмедов, А. Нуриддинов, Х.Мақсадов, Ж. Уралов, А. Илашов, М. Мамасолиев.

G. hirsutum турига мансуб.

2016 йилдан Жиззах вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-125 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-1,5 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, думолоқ чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 110г.

Жиззах вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2012-2014 йилларда гектарига 41,3 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 125 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,6 г. Тола чиқими 39,1 %. Толаси 5 типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 4-5 %.

## **2007200 Истиқлол -14**

Ўзбекистон Гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида 1991 йил (Акала-1517-С х С-4896) х (С-5617 х Тошкент 6) дуррагайларининг 6 бўғимидағи оиласидан танлов натижасида яратилган.

Муаллифлари: С. Рахмонкулов, М. Рахмонкулов, А. Амантурдиев, Ш. Аминов, Ш.И. Ибрагимов, Н. Ҳожамберганов, М. Миржўраев, Ш. Намозов, X. Жалолов, X. Мардонов.

G. hirsutum турига мансуб.

2016 йилдан Андижон вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-130 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-2 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, думолоқ чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 111г.

Андижон вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2012-2014 йилларда гектарига 39,3 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 116 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,8 г. Тола чиқими 38,5 %. Толаси 5 типга мансуб. Вилт билан касалланиш даражаси 2,8 %.

## **2007199 Келажак**

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва Ўсимликлар биологияси илмий тадқиқот институтида 1987 йил Л- 6161 x 146 популяцияларидан кўп мартали танлов натижасида яратилган.

Муаллифлари: И.Т Қоҳхоров, Р.М. Усмонов, С. Одилов, С.М. Набиев А. Қаҳрамонов, Х.Тўйчиев, Т. Аланбергинов.

G. hirsutum турига мансуб.

2016 йилдан Тошкент вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-130 см, конуссимон, пояси кучсиз тукланган, яшил рангда, ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари 1-2 - типда. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача катталиқда, сарик рангда. Кўсаги ўртача, думолок чўзинчоқ шаклда, яшил рангда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди.

1000 дона чигитининг вазни 122 г.

Тошкент вилоятидаги нав синаш станция ва участкаларида ўртача ҳосилдорлиги 2012-2014 йилларда гектарига 36,4 центнерни ташкил қилган. Вегетация даври 117 кун. Битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги 6,9 г. Тола чиқими 38,8 %. Толаси 4 типга мансуб. Вилт билан касалтаниш даражаси 2,8 %.

## **Каноп**

### **2008005 Ўзбекистон-2268**

Ўзбекистон Мойли ва толали экинлар тажриба станциясида С-2142 x 286914 тизмаларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Л.В.Семенихина, Л.А.Волкова, И.У.Анарбоев, С.Тўхтаева

2010 йилда Тошкент вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ўсимлик поясининг бўйи 300-350 см, яшил ярангда, барги ўртача катталиқда, илдизи 13-14 см, гули беш панжали, маваси қўсаксимон, узунлиги 4,5 см, эни 3,5 см.

Каноп пояси ҳосили 150 ц/га, ўртача луб ҳосили 55,1 ц/га, тола чиқими 24,6 %, узилиш оғирлиги 23,0 г/с, эгилувчанлиги 23,1 мм, ўниб чиққандан техник пишгунгача бўлган даври 80 кун, ўниб чиққандан то уругининг пишгунгача бўлган даври 107 кун, ётиб қолмайди, 1000 дона уруг вазни 24,0 гр. Заараркундаларга чидамли.

## **Тамаки**

### **2005022 Вирджиния-1**

Бритиш Америка Тобако Ўзбекистон Ургут бўлимида шарқий тамаки навларидан якка танлаш йўли билан яратилган.

2010 йилда Самарқанд вилояти бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ўсимлик баландлиги 120-126 см, конуссимон шаклда, барги катта, узунлиги бўйига 30-50 см, энига 15-25 см, эллипссимон, яшил рангда.

Ўсув даври 110-120 кун, барглари сони 25-28 дона, шундан териб олинадиган барглар сони 22-25 та, ҳосилдорлиги 2,6 т/га, барг чиқими 42,4 %. Касалликларга чидамли.

## **Ипак қурти**

### **9700100 Турон-2**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Юлдуз x С-8 меч дурагайларни чатишириш орқали яратилган.

Муаллифлари: В.Струнников, У.Насруллаев, С.Леженко, Т.Двойникова.

2005 йилда Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1627 дона, куртлар сони 2617 дона, Даврнинг давомийлиги 27 кун, пилласи овалсимон узунчоқ, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 4,99 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 94 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 87,9 %,ипак чиқиши 46,7 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 1102 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1125 метрни ташкил қиласди.

### **2004112 ВД x AC**

“Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси дурагайи.

Муаллифлари: Б.Азимов, Л.Огай, А.Уманов, К.Сипов.

2008 йилда Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1605 дона, куртлар сони 1540 дона, Даврнинг давомийлиги 24 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,1 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 98,0 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 90,0 %,ипак чиқиши 40,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 790 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1205 метрни ташкил қиласди.

## **2004113 СА x ДВ**

“Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси дурагайи.

Муаллифлари: Б.Азимов, Л.Огай, А.Уманов, К.Сипов.

2008 йилда Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1645 дона, куртлар сони 1605 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,0 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 97,5 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 90,5 %, ипак чиқиши 40,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 817 метр, пилла ипинингумумийузунлиги 1265 метрни ташкил қиласди.

## **2004111 АС x ВД**

“Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси дурагайи.

Муаллифлари: Б.Азимов, Л.Огай, А.Уманов, К.Сипов.

2011 йилда Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1606 дона, куртлар сони 1561 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,0 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 98,0 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 89,0 %, ипак чиқиши 40,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 780 метр, пилла ипинингумумийузунлиги 1200 метрни ташкил қиласди.

## **2004114 ДВ x СА**

“Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси дурагайи.

Муаллифлари: Б.Азимов, Л.Огай, А.Уманов, К.Сипов.

2011 йилда Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1635 дона, куртлар сони 1602 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,0 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 97,5 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 90,5 %, ипак чиқиши 40,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 805 метр, пилла ипинингумумийузунлиги 1275 метрни ташкил қиласди.

## **2006119 Зарбдор-1**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институти ва “Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси билан ҳамкорликда Шунэро х Шоъетсу дурагайларни чатиштириш ва танлаш орқали яратилган.

Муаллифлари: Р.Курванов, М.Курбанова, Х.Муродхаджаев, Б.Азимов, Н.Сайдумаров.

2011 йилда Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 2005 дона, куртлар сони 2497 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,8 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 85,8 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 87,9 %, ипак чиқиши 56,5 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 1237 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1297 метрни ташкил қилади.

### **2006120 Зарбдор-2**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институти ва “Silk industries Co” Ўзбекистон-Ветнам қўшма корхонаси билан ҳамкорлиқда Шунэро ҳ Шоъутсу дурагайларни чатиштириш ва танлаш орқали яратилган.

Муаллифлари: Р.Курванов, М.Курбанова, Х.Муродхаджаев, Б.Азимов, Н.Сайдумаров.

2011 йилда Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 2002 дона, куртлар сони 1881 дона, Даврнинг давомийлиги 27 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,7 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 93,8 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 87,1 %, ипак чиқиши 56,2 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 1288 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1487 метрни ташкил қилади.

### **2005115 Иқбол-1 ҳ Иқбол-2**

Фарғона пилла насиљчилик маъсулияти чекланган жамиятда мураккаб дурагайдан танлаб Марҳамат, Белококонная-2, Ипакчи-1, Иқбол-1, Иқбол-2, Асака, Белококонная-1, Ипакчи-2 зотларининг учунчи авлодлари аналитик селекция усули орқали яратилган.

Муаллифлари: М.Деҳқонов, Ш.Умаров, М.Ахмедов, К.Соипов.

2012 йилда Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1625 дона, куртлар сони 2308 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи цилиндриксимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,8 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 96,3 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 88,5 %, ипак чиқиши 39,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 750 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1305 метр.

## **2005116 Иқбол-2 х Иқбол-1**

Фаргона пилла насилийлик маъсуллияти чекланган жамиятда мураккаб дурагайдан танлаб олиш усули билан Мархамат, Белококонная-2, Ипакчи-1, Иқбол-1, Иқбол-2, Асака, Белококонная-1, Ипакчи-2 зотларининг учунчи авлодларидан танлаш орқали яратилган.

Муаллифлари: М.Деҳқонов, Ш.Умаров, М.Ахмедов, К.Соипов.

2012 йилда Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1655 дона, куртлар сони 2285 дона, Даврнинг давомийлиги 25 кун, пилласи цилиндрисимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 3,7 кг, қуртнинг ҳаётчанлиги 98,3 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 89,0 %, ипак чиқиши 40,0 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 805 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1360 метр.

## **9200091 Наврўз-1**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида оддий дурагай ♀ Тизим-22 x ♂ Ипакчи-3, ♀ Ипакчи-3 x ♂ Тизим-22 чатиштириш орқали яратилган.

Муаллифлар: А.Б.Якубов, Е.А.Ларькина, В.А.Алиева.

2013 йилдан Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ургочиси қорамтири кул рангда. Куртлик даврининг давомийлиги 27-28 кун. Тухумнинг 1 грамдаги сони 1703-1739 дона. Қуртнинг 1 граммдаги сони 2420-2455 дона.

Битта пилласини ўртача оғирлиги 1,78-1,8 г. Куртларини яшовчанлиги 90-92,3%. Хом пилладан ипакчанлиги 24,1-25,5%. Пилла қобигиничувалиши 87,8-89,6%. Ипак чиқиши 45,0-45,7%. Тола умумий чиқаришдагиузунлиги 1200-1300 метр. Пилла толасинингузлуксизчувалишузунлиги 780-800 метр. Ипининг метрик номери 3000-3200. Дурагай моновольтиин. Пилласи оқ овал шаклида.

Давлат нав синаш шохобчаларида 1 г қуртдан 36-45 кг ҳосил олинган.

## **9200091 Наврўз-2**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида яратилган.

Муаллифлар: А.Б.Якубов, Е.А.Ларькина, В.А.Алиева.

2013 йилдан Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамда тухумлар сони 1708-1732 дона. Куртларни бир грамдаги сони 2891-2410 дона. Пилласининг ўртача оғирлиги 1,14-1,82 г. Уруғи қорамтири кул рангда. Куртлик даврининг давомийлиги 27-28 кун. Қуртларнинг

ҳаётчанлиги 88,1-92,3%. Бир грам қуртдан олинган ҳосил 3,8-4,5 кг. Хом пилла ипакчанлигт 24,3-25,0%. Пилладан ипак чиқиши 42,6-45,4%. Пилласиничуввалиши 86,8-87,0%. Толанинг узлуксизчуватилишиузунлиги 898-952 м. Толанингумумийузунлиги1100-1250 м, толанинг метрик номери 3100-3200 м/г.

### **2004109 ТошДАУ-112 х ЎзИИТИ-9**

Тошкент Давлат Аграр Университети ҳамда Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институти билан ҳамкорлиқда синтетик селекция усулида ТашСХИ-112 ва Ипакчи-2 дурагайларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: А.Б.Якубов, Е.А. Ларькина, У.Данияров, Н.Надиралиева, Н.Ахмедов, К.Салихова, Г. Абдураимова.

2014 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1764 дона, қуртлар сони 2348 дона, Даврнинг давомийлиги 24 кун, Пилласи оқ, овалсимон узунчоқ, 15-17 мм.

Давлат нав синаш шохобчаларида 2006-2009 йилларда пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 2,61 кг. ни ташкил қилган, қуртнинг ҳаётчанлиги 86,6 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 87,5 %, ипак чиқиши 50,1 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги892метр, пиллаипинингумумийузунлиги1172метр.

### **2004110 ЎзИИТИ-9 х ТошДАУ-112**

Тошкент Давлат Аграр Университети ҳамда Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институти билан ҳамкорлиқда синтетик селекция усулида САНИИШ-9, Ипакчи-1, Клон-9 дурагай ва клонларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: А.Б.Якубов, Е.А. Ларькина, У.Данияров, Н.Надиралиева, Н.Ахмедов, К.Салихова, Г. Абдураимова.

2014 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1874 дона, қуртлар сони 2510 дона, Даврнинг давомийлиги 23 кун, Пилласи оқ, овалсимон узунчоқ, 15-17 мм.

Давлат нав синаш шохобчаларида 2006-2009 йилларда пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 2,64 кг, қуртнинг ҳаётчанлиги 84,3 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 87,4 %, ипак чиқиши 49,9 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги889метр, пиллаипинингумумийузунлиги1163метрни ташкил қилган.

### **9800103 Олтин водий-1**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Гузал х Марварид дурагайларни тўғридан-тўғри чатишириши йўли билан яратилган.

Муаллифлари: У.Насруллаев, С.Леженко, Т.Двойникова, Г.Мустафаева, Б.Азизов.

2015 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1579 дона, куртлар сони 2440 дона, Даврнинг давомийлиги 23 кун, пилласи цилиндриксимон. Пилла ҳосили 1 грамм куртдан 3,41 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 91,2 %, пилла қобигининг чувилувчанлиги 86,7 %, ипак чиқиши 49,9 %, пилла ипининг узлуксиз чувиладиган узунлиги 811 метр, пилла ипининг умумий узунлиги 1181 метрни ташкил қиласди.

### **9800103 Олтин водий-2**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Марварид х Гузал дурагайларни юқори технологик кўрсаткичлари орқали яратилган.

Муаллифлари: У.Насруллаев, С.Леженко, Т.Двойникова, Г.Мустафаева, Б.Азизов.

2015 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1591 дона, куртлар сони 2530 дона, Даврнинг давомийлиги 24 кун, пилласи цилиндриксимон. Пилла ҳосили 1 грамм куртдан 3,59 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 85,8 %, пилла қобигининг чувилувчанлиги 83,2 %, ипак чиқиши 45,8 %, пилла ипининг узлуксиз чувиладиган узунлиги 899 метр, пилла ипининг умумий узунлиги 1179 метрни ташкил қиласди.

### **2007122 Гулшан-Нафис**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида ўрта ипак курти дурагайи пилласини метрик рақамини кўтариш орқали яратилган.

Муаллифлари: У.Насириллаев, С.Леженко, Б.Насириллаев, Ш.Умаров, К.Гиясова.

2015 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1848 дона, куртлар сони 2638 дона, Даврнинг давомийлиги 24 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм куртдан 4,9 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 95,9 %, пилла қобигининг чувилувчанлиги 84,1 %, ипак чиқиши 48,8 %, пилла ипининг узлуксиз чувиладиган узунлиги 1280 метр, пилла ипининг умумий узунлиги 1306 метрни ташкил қиласди.

## **2007123 Нафис-Гулшан**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида ўрта ипак курти дурагайи пилласини метрик рақамини кўтариш орқали яратилган.

Муаллифлари: У.Насириллаев, С.Леженко, Б.Насириллаев, Ш.Умаров, К.Гиясова.

2015 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1842 дона, куртлар сони 2600 дона, Даврнинг давомийлиги 24 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 4,8 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 95,6 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 83,6 %, ипак чиқиши 44,8 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 1262 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1285 метрни ташкил қиласди.

## **2007121 Зарафшон**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Линия-2 х Гулшан дурагайларини метрик рақамини кўтариш орқали яратилган.

Муаллифлари: У.Насириллаев, С.Леженко, Б.Насириллаев, Ш.Умаров, К.Гиясова.

2015 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бир грамидаги тухумлар сони 1790 дона, куртлар сони 2577 дона, Даврнинг давомийлиги 23 кун, пилласи овалсимон шаклда, оқ рангда. Пилла ҳосили 1 грамм қуртдан 5,2 кг, куртнинг ҳаётчанлиги 95,4 %, пилла қобигинингчувилувчанлиги 85,3 %, ипак чиқиши 43,1 %, пилла ипининг узлуксизчувиладиганузунлиги 1301 метр, пилла ипининг умумийузунлиги 1385 метр.

Тут

## **2008050 Жарарик-7**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Сурх-тут х Ошина J3 №4 тизмаларини чатиштириб ва танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Ў.Кучкоров.

2012 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ўсимлик шакли тарвакайлаган, новда билан куртак оралиғи ўртача, асосий новдоси узун. Барги йирик, юраксимон шаклда, тўқ яшил рангда, қалинлиги ўртача, барг ўлчами баҳорда 14,5-11,8 ёзда 16,9-13,9 см. ни ташкил қиласди. Меваси ўртача катталикда.

Дараҳатги барг ҳосили 2,97 кг, гектарига 148,5 центнер ҳосил беради. Барг чиқиши 43,1 %.

## **2008051 Жарарик-8**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида Ошина J2 №2 х САНИИШ-25 тизмаларини чатиштириб ва танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифи: Ў.Қучкоров.

2012 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ўсимлик шакли бироз тарвақайлаган, новда билан куртак оралиги ўртacha, асосий новдоси узун. Барги йирик, юраксимон шаклда, тўқ яшил рангда, ўлчами баҳорда 13,8-11,2 ёзда эса 17,9-14,8 см. ни ташкил қилади. Меваси ўртacha катталиқда.

Дараҳатги барг ҳосили 3,79 кг, гектарига 189,5 центнер ҳосил беради. Барг чиқиши 43,0 %.

## **8000038 САНИИШ-34**

Ўзбекистон Ипакчилик илмий текшириш институтида тут дараҳтининг Тошкент навининг уруғини 25000 рентген гамма нури билан қайтадан нурлантириш ва ўз-ўзи билан чангланган нихоллар орасида танланниб олинган. *Morus multicaulis* Perr турига киради.  $2n=28$ хр.

Нав муаллифи Ў.Қўчкоров.

2013 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Каллаги-кучсиз тарқоқ, ўрта ва ингичка новдали ён шоҳсиз. Новдалари кучсиз конуссимон, тўқ жигарранг. Новдани усти йирик корамтири ясмиқчалар билан қопланган. Новданинг бўғин оралиги 4,8 см.

Куртаги-майда, думалоқ 2-3мм. Жинси ургочи.

Меваси-майда, думалоқ тўқ уруғли оқимтири рангдан то оч қизилгача жилвалик рангача кўкарувчан юмшоқ, тўқилувчан ширин сувли.

Барги йирик, бутун, кенг юраксимон, тўқ яшил рангли, кучсиз тўлқинли, нозик эгилувчан. Баргни катталиги баҳоргиси 14,7 x 10,9 см ёзгиси 20,2 x 18,2 см.

Характерли белгилари, баргларнинг бир хилда жойлашмаганлиги, новданинг юқори қисмida ўткир бурчак шаклида гулдаста шаклида жойлашганлиги, серҳосиллиги, кўп новдалиги, совукқа чидамлилиги ва баргнинг ёзги ва кузги курт боқишига мослаштирилганлиги билан бошқа навлардан ажralиб туради. Ҳосилдорлиги 1тупдан 9,9 кг.

## **9400043 ЖАРАРИК-2**

Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтининг Жарарик тажриба хўжалиигида Санииш-15 х Ўзбекистон навларини чатиштириш натижасида дурагай қўчатлар орасидан танлаб олинган. *Morus alba* L турига киради. Уч плоидлик Зп = 42 хр.

Нав муаллифи: Ў.Қўчкоров.

2013 йилда Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ривожланиш даврининг бошланиши ўрта. Каллаги кучсиз тарқоқ, новданинг жойланиши ўртача қалинликда бўлиб, йўғон ва ингичка, новдаларида ён шохчалари йўқ.

Новдаси-тўғри, думалоқ, оқ жигаррангли, бўғин оралиғи қиска, узунлиги 3 см. Новданинг усти жигаррангли дўмбоқчалар билан қопланган, зичли ўртадан юқори.

Куртаги буртган учбуручакли, тўқ жигаррангли, катталиги 3x4 мм, новдага ёпишган. Жинси-эркак.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Республика бўйича киритилган.

Пушти ранг ўзирик атиргул. Ўсимликни бўйи 60-100 см. Гунчасини ўлчами 5-6 см. Гулбарглари 45-55 дона. Етиштириш усули гидрапоника.

### **2014001 ОЛФЛОВ F1**

Голладия давлатининг «Lex » компанияси дурагайи.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Республика бўйича киритилган.

Ранги пушти. Гулбарглари 50-60 дона. Ўсимликни бўйи 60-90 см. Етиштириш усули гидрапоника. Сувда сақланиши 14 кун.

### **2014006 ХАЛИДА F1**

Голладия давлатининг « Olij Rosen » компанияси дурагайи.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Республика бўйича киритилган.

Пушти ранг. Ўсимликни бўйи 80-90 см, гулбаргларини сони 50-60. Етиштириш усули гидрапоника. Сувда сақланиши 15 кун.

### **2014007 МИРАБЕЛЬ F1**

Голладия давлатининг «Interplant » компанияси дурагайи.

2017 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ранги қизил. Гулбарглари 40-50 дона. Ўсимликни бўйи 60-90 см. Етиштириш усули гидрапоника. Сувда сақланиши 12 кун.

## **ГАЗОН ЎТИ**

### **2007002 МАНЗАРА-1**

Тошкент Давлат Аграр Университетида яратилган.

2009 йилдан Республика бўйича экиш учун Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси шароитида ёввойи ҳолда ўсуучи кўп йиллик мастак ўсимлигидан танлаш йўли билан яратилган. Кўп йиллик, тўқ яшил баргли, барг узунлиги 7-15 см, курғоқчилик, иссиқ ва совуқ ҳароратга, ҳамда касалликларга чидамли. Турли тоифадаги газонлар барпо қилиш учун мўлжалланган.

### **2007001 МАНЗАРА-2**

Тошкент Давлат Аграр Университетида яратилган.

2009 йилдан Республика бўйича экиш учун Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси шароитида ёввойи ҳолда ўсуучи кўп йиллик мастак ўсимлигидан танлаш йўли билан яратилган. Кўп йиллик, курғоқчилик, иссиқ ва совуқ ҳароратга, ҳамда касалликларга чидамли. Тўпланиш даражаси юқори, тўқ яшил ва калта, ўртача 18 см, баргли. Турли тоифадаги газонлар барпо қилиш учун мўлжалланган.

### **2012004 УНИВЕРСАЛ**

Польша давлатининг “GRANIMEX” компанияси томонидан топширилган.

2013 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Кўп йиллик, чиройли тўқ яшил рангли, барг узунлиги 7-15 см, курғоқчилик, иссиқ ва совуқ ҳароратга ҳамда касалликларга чидамли. Ободонлаштириш мақсадида, бино истироҳат боғларида экишга тавсия этилади.

### **2012005 СПОРТ**

Польша давлатининг “GRANIMEX” компанияси томонидан топширилган.

2013 йилдан Республика бўйича экиш учун Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Кўп йиллик, чиройли тўқ яшил рангли, барг узунлиги 6-16 см, курғоқчилик, иссиқ ва совуқ ҳароратга ҳамда касалликларга чидамли. Стадион, болалар ўйин майдончаларида, бино истироҳат боғларида экишга тавсия этилади.

## БУТАСИМОНЛАР (КУСТАРНИКОВЫЕ ПОРОДЫ)

### 2008053 НАЙМАТАК

**Шиповник (Roza L). йирик бута, бўйи 2-2.5 м. гача**

Манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Таналари қуюқ тиконли, гули оқ, пушти ёки оч қизил, мевалари қизил. Йигирма кун давомида баҳорни охири ёзнинг бошларида гуллайди. Россиянинг ўрта худудлари Крим ва Кавказнинг европа қисми ва Ўрга Осиёда кенг таркалган. Ўрмонзорлар бутазорларда, очик майдонларда, дарё қирғоқларида кенг учрайди. Меваси доривор ҳисобланади, асалбоп ўсимликтаридан.

Тупроқ танламайди, совуққа ва курғоқчиликка чидамли, ихота ўрмонзорлари ва жонли девор ҳосил килиш учун фойдаланиш мумкин.

### 2008052 БЕРЕСКЛЕТ

**Япония нормушки Eronimus japonica L. F. Нормушкдошлар  
оиласига оид ўсимлик. Celastraceae Lindl. Япония бересклети**

Манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Доим яшил тик ўсуви бута ёки кичик дарахтга бўйи 5-8 м. Новдалари тўрт киррали (биroz). Барглари тескари тухумсимондан то эллипсгача, узунлиги 3-7 см, тепа қисми ўткир ёки ўтмас, устки қисми тўқ-яшил рангли, остки қисми оч-яшил рангли, жилосиз (ялтирамайдиган), бандли 0,6-1,2 см. Гулчалари яшил-оқиши рангли, қалин қалқончада, бандчаларининг узунлиги 2-5 см. Мевалари думалоқ, 0,8 см га яқин (диаметри), қизил рангли. Май-июнда гуллайди, мевалари октябрда пишади. Нисбатан тез ўсади, 2-3 ёшдаги кўчнатини экса бўлади. Ярим сояланган жойларда кам ўсиши мумкин, аммо очик, ёргу жойларда яхши ўсади, касаллик ва зааркунандалар билан кам зарарланади.

Совуқга чидамли – қисқа вақт давомида  $-18\text{-}20^{\circ}\text{C}$  совуқга чидайди, шу ҳароратда новдаларининг уч қисмини совуқ уради, аммо тез тикланади, тупроқни танламайди, нисбатан куруқ ва юмшоқ, зич лойли тупроқларда ўсиши мумкин.

## **2008051 МАГОНИЯ**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 1 м келадиган доим яшил бута (2 м гача). Барглари жуфтисиз патли, терили, 5-9 баргчалардан иборат, тухумсимон ёки чўзинчок тухумсимон-тишли, падубнинг баргларини эслатади, ёш барглар кизгиш рангда, ёзда устки қисми ялтироқ (камрок хира), тўқ-бронза ёки тўқ-бўз рангли. Гулчалари тўғр панжаларда узунлиги 5-8 см, новдаларининг охирида. Апрелда гуллайди. Мевалари зангори қорамтириб еб бўладиган, меваларининг диаметри 8 мм, сентябрда пишиб етилади. Секин ўсади қисман сояликка ва совукка чидамли.

Газ ва тутунга чидамли. Илдиз бачкилари кўп бўлади, шакл бериш учун ярайди. Уруглари Билан осон кўпаяди (уругларини териб олингандан сўнг экиш керак ёки стратифициациялаш зарур, ҳамда илдиз бачкилари пархиш усули, қаламчалари билан ҳам кўпайтирилади).

3-4 ёшдан бошлаб гуллай бошлайди ва ҳосил беради.

Шимолий Америка унинг Ватанидир.

## **2008050 ШАМШОД**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бута ёки кичик дарахт (6-10м), шох-шаббалари қалин, новдалари тўрт қиррали, кучсиз тукланган. Барглари карама-карши жойлашган, узунлиги 1-3 см, эллипс, чўзиқ ёки тескари тухумсимон шаклда, четлари бутун, уч қисми ўтмасланган ёки кесилган шаклда, икала томони силлик, юкори қисми тўқ яшил, ялтироқ, пастки қисми оч ёки сарғиш-яшил рангли. Гулчалари алоҳида жинсли.

Меваси – уч киррали кўсакча, узунлиги 0,8 см 6 дона қора уруглари билан. Апрел-майда гуллайди, жуда секин ўсади. 100 ёшда бўйи 5-7 м га, танасининг диаметри эса 18 см га етади. Барглари турлар ичида сояга энг чидамлисидир.

Табиий шароитларда асосан соя жойларда ўсади, аммо кучли ёргу жойларда ҳам яхши ўсади. Иссиқсевар, аммо қисқа вақт даврида ҳавонинг ҳарорати  $-20-22^{\circ}$  С га пасайишига чидай олади. Озука моддаларга бой тупрокларни талаб қиласи, таркибида оҳак бўлгани яхшидир, агар оҳак бўлмаса у ёмонрок ўсади. Куруқ, тошлок, майда тупроклар, кияликлардаги тошларнинг чуқурчаларида ўсиши мумкин.

## **2008049 АМФОРА**

Манзараги Бөгөнчилек ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикариш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 3-6 м келадиган бута, новдалари ингичка тика ўсади Мураккаб баргла баргчалар 11-25 дона, овал ёки эллипс шаклда, узунлиги 1,5-4 см гача, деярли ялангоч. Мураккаб баргнинг бандининг узунлиги – 9-28 см, гулчалари майда, қизғиш-бинафша рангли, чангчилари ялтироқ олтисимон, гулларига чиройли тусни беради.

Гулчалари новдаларнинг уч қисмида йигилган, қалин бошоксимон панжада жойлашгандар, ўзига ҳос хидга эгадирлар. Май оидан то авгуустгача гуллайди. Меваси унча катта бўлмаган қийшиқ бир уруғли дуккак. Тез ўсувчи ёргувеर бута, совуқга ўртacha чидамли,  $-16\text{--}18^{\circ}\text{C}$  Ҳароратларга чидайди,  $-22^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратда совуқдан заарлангандан сўнг у тезда бачки новдаси билан тикланади. Тупрокни танламайди, шўр тупркда ҳам ўсади, кумли тупркларда яхшироқ ўсади, илдиздан бачки новдаларни барпо этади. Шохларини кесиб керакли шаклни барпо этиш мумкин. Ватани – Шимолий Американинг шарқий қисми.

## **2008048 ЯПОН БЕХИСИ**

***Chaenomeles japonica* (Thunb Linde). Айва японская**

Манзараги Бөгөнчилек ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикариш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган. Бўйи 3 м келадиган бута ўсимлиги, новдалари кенг ёилган, тиканли туксиз. Барглари тухумсимон ёки чўзинчок, юқори қисми ўткир, четлари ўткир тишли, терили, силлик, юқори қисми ялтироқ, тўқ-яшил рангли, ёзилиш пайтида бронза қизил, узунлиги 3-8 см. Гулчалари 2-6 гулли қалқончаларда, типик шаклида қизғиш ганглии, диаметри 5 см гача Апрелда гуллайди. 3-4 ёшдан гуллай бошлайди. Меваси шарсимон ёки тухумсимон шаклда, сарик, диаметри 5 см гача, сентябр-октябрда пишиб етилади. Секин ўсади совуқга чидамли бута.

## **ЯПРОҚ БАРГЛИ**

### **2008033 МИРЗАТЕРАК**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 25-30 (35)м гача етадиган дарахт. Ён шохлари юқорига қараб ўсади ва танасига яқин жойлашади, шунинг учун пирамида шаклини, деярли устун каби шох-шаббани ҳосил қиласи, ёш теракларнинг териси кулранг, силлик, кейинроқ тўқ-жигарранг, деярли қора, ёриклидир. Барглари кенг учбурчакли ёки ромб шаклида, юкори қисми ялтироқ, тўқ-яшил пастки қисми очроқ; банди ясси шаклда. Барглари ёзилмасдан гуллайди. Экинзорларда асосан эркак гули экземплярлари тарқалган, ургочи гуллилари кам учрайди. Баргларининг шакли генератив органлари ва бошқа морфологик аломатлари бўйича қора теракка яқин, ундан шох-шаббасининг шакли бўйича ва экологик томондан кескин фарқланади, иссиқсеварлиги юқорироқdir.

### **2008032 КЎК ТЕРАК**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 20-30 (35) м гача етадиган дарахт, шох-шаббаси кенг тухумсимондан, пирамидасимон, тор пирамидасимонгача, танаси тўғри, новдалари юқорига қараган. Ёш новдалари ва куртаклари оқ тукли. Барглари узун новдаларда, йирик чукур 5-7, камроқ уч парракли, майдароқ иккиламчи парраклари ҳам мавжуд (ва йирик тишчалари ҳам). Барглари қисқа новдаларда думалоқ ёки деярли ромб шакли, айrim холларда бутун ялангоч. Жуда тез ўсади. 10 ёнда бўйи 15-18 м га, танасининг диаметри 15-18 см га; 40 ёнда – бўйи 45 м ва танасининг диаметри 60-70 см га етади.

Иссиқсевар, каттиқ совуқ бўлган қишлоардан заарланади. Ёргусевар, тупроқ шароитларига талабчан, юмшоқ, бой, чукур, яхши намланган тупрокларда яхши ўсади, чукур қумокли тупрокларда ҳам яхши ўсади, сизот сувлари чукур бўлмаслиги керак

### **2008031 СЎФДИЁНА ШУМТОЛИ**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 10-15 м келадиган дараҳт. Табиий равишда ўсган дараҳтларининг танаси кўпинча бироз кийшайган бўлади. Шоҳ-шаббаси қалин, кенг, шарсимон. Новдаларидағи барглар ҳалқа шаклида жойлашади, баргчалари думалок, тухумсимон ёки эллипс шаклида, ўткирланган, тишли. Меваси ланцетли қанотча, узунлиги 6 см. Ўзбекистоннинг тоғли ўрмонларидаги дарёлар атрофида якка-якка ёки гурух ҳолида учрайди. Марказий Осиёнинг бошқа Республикаларида ҳам қияликларда денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликда учрайди. Тез ўсади ва тупроқ иклим шароитларига нисбатан талабчан эмас, Ургулари билан кўпаяди.

### **2008030 ПЕНСИЛЬВАНИЯ ШУМТОЛИ**

Манзарави Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жizzах, Наманган, Самарқанд, Фаргона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 15 (20-25)м гача етадиган дараҳт туридир. Алоҳида ўсиб турган дараҳтлари ёйилган, нотӯғри шаклга эга. Барглари мураккаб 5-9 баргчалардан иборат, баргчалари овал ёки чўзинчоқ ланцет шакли, ўткирланган, четлари бутун ёки тиҳимон, юқори қисми яшил, пастки қисми кулранг-яшил, тукли. Қанотчасининг узунлиги 5-6 см, кенг эмас.

### **2008029 ГЛЕДИЧИЯ**

Манзарави Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ватанида бўйи 45 м га етади. Шоҳ-шаббаси текис кенгайган, сийрак. Новдалари ва танаси қаттиқ тиканлар билан қопланган, улар оддий ва шоҳланган бўлади, узунлиги 6-10 (15) см. Илдиз тармоги бақувват, кучли шоҳланган. Барглари иириқ, бир марта ва икки марта патсимон, узунлиги 20 см гача; баргчалари тўқ-яшил, ялтироқ. Гулчалари майдо, яшил, ингичка (5-7 см) панжаларда, алоҳида жинсли, айrim ҳолда дараҳтни ҳамма қисмида бир жинсли гулчалар бўлади. Гулчалари хушбўй хидли, нектарга бой.

Меваси-қорамтири-жигарранг дуккак, узунлиги 30-50 см, ясси кўп ургули; мевалари қишининг ярмисигача дараҳтда қоладилар. Ургулари майдо, текис, ялтироқ, сарғиши рангли, қобиги жуда қаттиқ, ширин глюкозали гўштда жойлашган. Тез ўсади. 6-10 ёшда йилига ўрта ҳисобда 60-70 см ўсади. Жуда ёргувсевар. Курғоқчиликка жуда чидамли.

## **2008028 БАГАРЯННИК**

Манзараги Бодорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Интродукцияланган тур – ёввойи холда Шимолий Америкада ўсади. Бўйи 12 м келадиган дараҳт. Барглари кенг овал ёки юраксимон, юкори қисми ўтмас, силлиқ, оддий бодряннидан бўйининг баландлиги ва совуқга чидамлироқлиги билан фарқланади. Оқ гулли шакллари маълумдир. f. alba Rehd ва (f. plenta Sudn), унда чангчисини бир қисми гул баргга айланган.

Канада бодрянгини якка-якка ва гурух ҳолда Ўзбекистонни аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштиришда, оддий бодрянник ўстириладиган районларда фойдаланиш мумкин.

## **2008027 ШОЙИ АКАЦИЯСИ**

Манзараги Бодорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Дуккадошлар Leguminosae оиласига мансуб ўсимлик. Дараҳтнинг бўйи 10-15 м гача, шоҳ-шаббаси кенг соябонсимон, барглари иккى марта жуфтсиз патли, узунлиги 20 см гача, баргчалари 30-60 дона, юкори қисми яшил рангли, пастки қисми зангори рангли. Гулчалари йирик супургисимон, мураккаб барглари йигилган, хушбўй ҳидли. Июн-августда гуллайди, меваси дуккакли, узун, ёйик, пардали, кўп уруғли.

Тез ўсуви тур, жуда ёргуввар. Илдиз тармоғи юзаки жойлашган, бақувват. Чириндига бой, чуқур кумоқли, алловиал тупрокларда яхшиrok ўсади, аммо қуруқ, лойли, таркибида оҳак, тошлар бўлган тупрокларда ҳам қониқарли равишда ўса олади.

## **2008026 ЛИПА (жўка йирик баргли)**

Манзараги Бодорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 40 м гача келадиган дараҳт, танаси текис шоҳ-шаббаси кенг пирамидасимон шаклга эга. Ёш новдалари қизгиш-жигарранг, тукли, камдан-кам яланғоч бўлади. Куртаклари майда баргли жўканикига нисбатан йирикрок. Барглари думалок, тухумсимон, йирикрок, узунлиги 6-14 см, асоси носимметрик шаклда, юкори қисми яшил рангли, одатда тукли, остки

қисми оч-яшил рангли бир тўда оқиши рангли туклари билан (томирларини бурчакларида). Гулчалари сарғиши-крем рангли, олдинги турнирга нисбатан йирикроқ. Май ойида гуллайди. Меваси-деярли шарсимон, киррали, ёнғоқчаси тукли. Майда баргли жўкага нисбатан совуқга камрок чидамли, аммо тупроқнинг унумдорлигига талабчанроқ, қурғоқчиликка чидамлироқ.

## **2008025 ЛИПА**

Манзарали Богдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 30 м гача келадиган чиройли дараҳт, шоҳ-шаббаси ихчам овал шаклли, танаси текис, цилиндришисимон шаклда, диаметри 1,5 м гача. Ёш дараҳтларининг танасини териси текис, кенгрок чукур ихчам, тўқ-кулранг.

Барглари одатда 3-6 см узунлиқда бўлади, юкори қисми ўткирлашиб чўзилади (кўпинча кийшиқ), чет қисми нотекис-тишсимон, юкори қисми тўқ-яшил, яланғоч, айрим холларда ялтироқ, пастки қисми зангори рангли, яланғоч. Кузда барглари чиройли оч-сарик туслага кирадилар. Гулчалари майда, сарғиши оқ, 5-7 (9-10) тадан иборат. Гулёнбарги тўпгулларидан бироз узунроқ ёки қисқароқ бўлади. Меваси-шарсимон ёки овал шаклли ёнғоқча (узунлиги 0,8 см гача), қобиги бўз рангли. Меваси 1, камрок ҳолда 2 та уруғлар бўлади. Майда баргли жўка сояга, совуқга чидамли – 40°C ҳароратда ҳам зарарланмайди, кечки баҳорги совуқ ҳароратлардан ҳам зарарланмайди.

## **2008024 ЗАРАНГ**

Манзарали Богдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Барги тўкиладиган бўйи 25 м гача келадиган дараҳт. Алоҳида ўсиб турган дараҳтларни шоҳ-шаббаси думалоқ, қалин. Новдалари оч-қизғиши рангли. Барглари чукур беш-эшкакли, айрим холларда алоҳида бештали, узунлиги 8-15 см; парраклари ўткир, чуқуртишли, Баргларининг юкориги қисми оч-яшил, пастки қисми кумушсимон оқ тусли. Гулчалари яшил рангли, бир ёки икки уйли. Мевалари узун қанотчалари, узунлиги 3,5-6 см, уруғлари чўзинчоқ.

Ургулари май-ионда пишиб етилади ват тезда тўкиладилар. Тез ўсуви, сояга чидамли. Катта ёшда совуқга чидамли -20-25°C совуқга чидайди ва зарарланмайди. -30-40°C совуқда шоҳ-шаббаси қисман зарарланади.

## **2008023 ЗАРАНГ**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Наманганд, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлок хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Манзараги барги тўкиладиган, бўйи 25-30 м гача етадиган дараҳт, шоҳшаббаси кенг эллипс шаклли ва танаси тўғри цилиндриксимон.

Ёш дараҳтларда танасининг териси қорамтири-кулранг, қарироқ дараҳтларда оч-кулранг ёки оқиши тусли. Барглари йирик, узунлиги 16 см, устки қисми тўқ яшил, ялтироқ, пастки қисми оқиши зангори рангли хушбўй ҳидли, узун бандга йифилган бармоқсимон, узунлиги 6-12 см. Мевалари ялангоч қанотчалари ўткир бурчак ҳосил киладилар (ёки тўғри бурчак), уруғларининг узунлиги 3-5 см.

Май ойида гуллайди, сояга чидамли, тупроқга намликка талабчан, куруқ тупроқ ва ортиқча намликни ёқтирамайди, тупроқнинг шўрлигини ҳам ёқтирамайди.

## **2008022 ЗАРАНГ**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлок хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Барги тўкиладиган, бўйи 30 см гача келадиган дараҳт, танаси цилиндриксимон, шоҳ-шаббаси кенг доира шаклда. Барглари ялангоч, устки қисми оч-яшил рангли, пастки қисми очроқ, қалқончадаги гулчалари яшил-сариф туслади, эркак ва ургочи гулчалар бир дараҳтда жойлашган. Тез ўсуви тур, айниқса биринчи 10 йилда тупроқнинг озук мақдаси талабчанроқ. Тупроқнинг шўрлигига сезгир. Шаҳар шароитига (тутун, газ) яхши мослашган. Уруғлари, бачки новдалари билан кўпаяди, тўнкасидан кўп микдорда бачки новдалар ўсиб чиқади, шакллари улаш усули билан кўпайтирилади. 10-15 ёшгача бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтказиш мумкин.

## **2008021 КАШТАН**

Манзараги Бөгдорчиллик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жиззах, Наманганд, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлок хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Дараҳтнинг бўйи 20 м гача етади. Шоҳ-шаббаси ёйилган ва шарсимон шаклга эга. Барглари қарама-қарши жойлашган, мураккаб бармоқли кучли

стерженда (бандда) жойлашган. Барглари йирик, 5-7 елпифичсимон ёилиб ўсган барглари билан, уларнинг хар бири тескари тухумсимон шаклда, четлари нотекис арасимон. Кучли ривожланган баргчаларининг узунлиги 20 см гача ва кенглиги 10 см гача. Каштан барглари билан манзарадидир, гуллаш даврида чиройига чирой кўшилади, бу барглар билан тўлиқ қопланганда бўлади. Сохта каштанинг ватани – Балқон ярим ороли. Пишиб этилган ёнғоқлари (уруглари) билан кўпаяди, шакллари эса улаш усули билан.

## **2008020 ҚАЙРОФОЧ**

Манзаали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикариш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 15 м га дарахт шоҳ-шаббаси шарсимон териси тўқ кулранг унча чуқур бўлмаган ёриклардан иборат ва ёш новдалари кулранг тукли, эгилган. Барглари чўзинчоқ ланцетли йирик тишли, силлиқ, узунлиги 7 см гача. Қанотчаси думалоқ, текис ёнғоқчасигача кесилган.

Совуқга чидамли, тупроқни танламайди, Голландия касаллигига қарши бошқа турларга нисбатан чидамлироқ, шаҳар шароитларига чидамли, кесиб ҳар хил шакл бериш мумкин. Аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш учун дикқатга зарурдир. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун тавсия этилади.

## **2008019 КАТАЛПА**

Манзаали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикариш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Фаргона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 15-20 м ли дарахт, яхши шароитларда 30 м гача стади, қалин ва кенг шоҳ-шаббали ва нисбатан чиройли текис танаси билан, кулранг қалин пластинкали қобиқ билан ёпилган. Барглари йирик, узунлиги 15-30 см, тухумсимон чўзиқ, уч қисми ўткир, асоси бироз юраксимон шаклда, юкори қисми ялтироқ, яшил рангли, силлиқ, пастки қисми бироз тукланган, барглари каталъпанинг бошқа туралрига нисбатан эртароқ ёйила бошлайдилар – апрел – майда, октябр – ноябрда тўкиладилар. Гулчалари катта, кенг супургиларга йигилган, узунлиги 15-30 см, гултожнинг пастки баргчаси икки сариф чизиқли ва кўпсонли тўқ кизил-жигарранг нукталари билан. Гулчалари хушбўй. Майда гуллайди. Мевалари узун, осилиб турувчи кўзоқли кўсаксимон, узунлиги 20-30 см, йўғонлиги 1,5-2 см, дарахтларни безайдилар ва қиши фаслида ҳам осилиб турадилар.

## **2008018 МАЖНУНТОЛ**

Манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 10-12 м гача бўлган дараҳт (айрим ҳолда 18 м гача) шоҳ-шаббалари йирик эгилувчан, новдалари узун (5-6 м), ингичка, ергача эгилиб туради, сариқ-яшил, ялангоч, ялтироқ новдалари билан. Ургочи экземплярлари айниқса узунроқ новдаларга эгадирлар. Куртаклари майда, жуда ўткир, қорамтири-яшил рангли. Барглари тор ланцетли, уч қисми чўзинчоқ, асоси қисқарган узунлиги 9-16 см ва эни 1-2,5 см, четлари майдага аррасимон. Ёш барглар – оч-яшил, юқори қисми яшил, кучсиз ялтираган, пастки қисми-зангори рангда. Барглари ёзилгандан сўнг гуллайди – март – апрелда. Тез ўсади, совуқга чидамли.

## **2008017 ЭМАН**

Манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Жizzах, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 30 м гача етадиган дараҳт тури. Алоҳида ўсиб турганларининг шоҳ-шаббалари кенг бўлади. Барглари каштаннинг баргларини эслатади; катталари 10-18 ип-чўзинчоқ эллиптикадан шарсимонгача шаклда, йирик ўткир учбурчакли тишчалари билан, юқори қисми тўқ яшил, деярли ялангоч, остиқ қисми қисқа тукли кулранг оқиш тусли; бандларининг узунлиги 1,5-2,5 см. Совуқга чидамлилиги ўртacha даражада, курғоқчиликка етарли даражада чидамли эмас.

Чиройли, манзарали дараҳт, танаси текис, шоҳ-шаббаси кенг ва йирик барглари оригинал шаклда.

## **2008016 ЭМАН**

Манзарали Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Жizzах, Намангандарё, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 30-40 м гача бўладиган йирик дараҳт. Танасининг пўсти 40 ёшгача силлиқ, сариқ кўкимтири рангли, кейинрок кулранг-бўз, деярли кора тусда бўлади. Барглари навбатма-навбат жойлашадилар (новданинг уч қисмида – тўп-тўп бўлиб) терили, чўзинчоқ тескари тухумсимон, узунлиги 5-15 см,

эшкаксимон, охирида ўтмас чўзилган парраксимон. Май ойининг иккинчи ярмида гуллайди, баргларининг ёзиши билан бир вактда 40 ёшдан бошлаб гуллай бошлайди ва мева бера бошлайди. (камрок 20 ёшдан).

Эркак гулчалари узун зираксимон (3-6 см), улар 3-2 та дан йигилган ёки илгариги йилдаги новдаларнинг уч қисмида ёки эркак новдаларининг пастки қисмида жойлашган, одатда эркак гулчалардан юқорироқ, узун қизғиши поччалардан 2-3 тадан жойлашадилар. Мевалари овал ёки чўзинчоқ овал шаклда, корамтири-сариқ, узунлиги 1,5-3,5 см, юқори қисмида тиканчаси билан.

## **2008015 ЯПОН СОФОРА**

Манзараги Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Барги тўкиладиган, бўйи 15 м гача, айрим холларда 25 м гача етадиган, танаси тўғри шаклли, новдалари ёйилиб кетган, думалоқ шох-шаббаларни барпо этувчи, оқ акасникига нисбатан қалинроқdir. Баргларининг узунлиги 15-25 см, 7-17 дона баргчалардан иборат, тухумсимондан то ланцетли тухумсимон, шаклли, узунлиги 2,5-5 см, устки қисми ўткирлашган, асоси кенг понали ёки думалоқ, юқори қисми тўқ-яшил, ялтироқ, зангори рангли. Гулчаларининг узунлиги 1-1,5 см сариқ ёки яшил-оқишиб, хушбўй, кенг супурги шаклга йигилган узунлиги 15-30 см, июн-августда гуллайди.

Мевалари-тасбиксимон, дуккакли узунлиги 5-8 см, яшил рангли, гўштли, очилмайдиганлар. Тез ўсувчи тур, сояга етарли даражада чидамли.

## **2008014 АКАЦИЯ**

Манзараги Боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 25-30 м гача бўлган дарахт, шох-шаббаси сийрак, барглари навбатма-навбат жойлашган, жуфтсиз пастсимон 7-19 баргчалардан тузилган бўлиб, шакли эллипсимон ёки тескари-тухумсимон, узунлиги 2,5-4,5 см гача, четлари бутун, устки қисми тўқ-яшил, остки қисми-кўкимтир. Барглари ёзила бошлаганда ипаксимон-тукли, кейинчалик ялангоч бўлади. Барглари апрельда ёзила бошлайдилар, кеч кузда октябрнинг охирида тўкиладилар. Ғунчалари оқ, жуда хушбўй, узунлиги 1,5-2 см, қалин экилган панижаларда, узунлиги 10-20 см. Апрел ойининг охири – майда гуллайди, икки хафта гуллайди, айрим холларда ёзнинг охирида иккинчи марта гуллайди, одатда кучсиз равища.

## **2008034 ХАНДОН ПИСТА**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Ўрта Осиё хандон пистанинг ватани. Айрим маълумотларга кўра тош асрода бу тур бизнинг регионда тахминан икки миллион гектарни эталлаган. Янги зернинг бошланишидан олдин писта Ўрта Осиёдан Сурия ва Мисрга, биринси асрда эса Италияга олиб ўтилган. Италиянинг жанубида ва Сицилия оролида писта маданийлаштирилган. Кейинроқ у бутун Ўрта денгиз бўйлаб тарқалган. Писта (Pistacia) жуда қадимги туркум, унинг йигирмага яқин тури бор. Лекин битта турдаги хандон писта(Pistacia vera L.)нинг меваси истеъмол учун килинади. У муҳим ёнғоқ мевали ўсимлик сифатида маданийлаштирилган. Колган турларидан Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатларда ва АҚШда хандон писта учун пайвантаг сифатида фойдаланилади.

Писталарнинг Ўрта Осиё учун муҳим томони шундаки, улар табиатдаги энг куруқ бошқа ўсимликлар сувсиз ўса олмайдиган жойларида бемалол ўсиб, юқори сифатли мева беради.

## **ИГНА БАРГЛИ**

## **2008045 ФАРБ АРЧАСИ**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 20 м дан юқорироқ, ёки шоҳ-шаббаси пирамидасимон шоҳ-шаббаси ва калта горизонтал новдалари билан, уларда играбарглари текис ясси жойлашган игнабарглари билан. Новдаларнинг юқориги ва пастки қисмларида игнабарглари ясси понасимон. Ён игнабарги чўзинчоқроқ, ўроқсимон қийшайган ички овал шакли ташки қисимлари билан. Игнабарги ёзда ялтироқ-яшил, қишида корамтири – яшил рангда.

Куббалари тухумсимон чўзиқ, узунлиги 1-1,5 см, калта бандларда, тик ҳолда (кейинрок қийшайди), оч-жигарранг, терили, 3-4 (5-6) жуфт тангачалар билан тузилган. Гуллаган иили пишади. Секин ўсуви тур, етарли даражада совукга чидамли, Россия Федерациянинг Европа қисмидаги шимол шароитларига ҳам совукга чидамли.

## **2008044 ШАРҚ ТУЯСИ**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 5-10 (20) м келадиган бир уйли дараҳт. Ёшлигига пирамидасимон шох-шаббали, юкорига кўтарилиган новдалари билан. Камроқ бутасимон бўлади. Игнабаргларининг тузилиш характеристи бўйича гарб туйясига ўхшаш. Қуббалари кескин фарқланади биотанинг тангачилари бир-бирига ўсиб кетган, гўштли, пишиб етилишигача зангори-яшил, пастга қараб ўсган ўсимталари билан, пишганлари – қурук, кизғиши-жигарранг. Уруғлари қанотсиз, тухумсимон шаклда, асосида оқ нукталар, узунлиги 5 мм гача, эни 2-3 мм.

Секин ўсади, бироз сояга чидамли, иссиқсевар (бошқа турларига нисбатан) бошқа турларидан иқлим ва тупроқнинг курғоқчилигига чидамлироқ. Ҳархил тупроқларда ўсиши мумкин, аммо илиқ, енгил, оҳак моддаси бўлган тупроқларни хуш кўради, ва аксинча, зич, сув ўтказмайдиган тупроқлар шу турнинг ўсишига нокулайдир. Марказий Осиёнинг шароитларида яхши ўсиши билан ажралиб туради, масалан, Ўзбекистонда ҳам. У нокулай шароитларга чидамлидир, шўрланган тупроқларга ҳам.

## **2008043 МОВИЙ ҚОРА АРЧА**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 20-30 м. келадиган, айрим маълумотларга кўра 45-50 м гача келадиган дараҳт, танасининг диаметри 70-120 см. Шох-шаббаси конуссимон ёки пирамидасимон, шохлари танасида горизонтал ҳолда ўсади, ярусли, гурух-гурух бўлиб. Новдалари ялангоч, саригсимон. Игнабаргларининг узунлиги 2-3 см, 4-қиррали, зич, жуда ўткир яшил ёки зангори (окиши-кумушсимонгача). Новдаларида игна барги ҳархил томонга қараб шишиб жойлашган. Пишиб этилган қуббалари чўзиқ – цилиндрисимон, узунлиги 5-10 см, диаметри 2-3 см. пишган аҳволда оч-жигаррангли.

Тез ўсишлиги бўйича оддий коракарағайдан колишади иқлим ва тупроқ-грунт шароитларга талабчан эмас. Кучли пастки совуқларга чидамли, баҳорги совуқлардан заарланмайди ҳавонинг қуруқлиги ва ёзги юкори ҳароратга чидамли. Шамолга чидамли; кор қалин тушса ҳам у чидайди. Бошқа игнабарглilarга нисбатан чанг, заарли газларга чидамли ва шахарнинг шароитларига ҳам чидамлироқдир.

## **2008042 ТЯНЬШАНЬ ҚОРА АРЧАСИ**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тик ўсуви тор конуссимон ва бироз пастга қараган новдали дараҳт. Бўйи 40 (45 м) га ва танасининг диаметри 2 м гача етади. Игнабаргининг узунлиги 4 см гача, диаметри 1-1,5 мм, 4-қиррали, тўғри ёки бироз қийшайган (ўроқсимон). ўткир, оч ёки зангори-яшил рангли. Пишиб етилган куббалари чўзинчоқ-цилиндрсимон, узунлиги 7-12 см, ялтираган-жигарранг тангачалари билан. Ёшлигига секин ўсади. 400 йил яшаши мумкин. Тупрокга талабчан, нордон корамтири ва чириндили-карбонатли ва кучли тошлоқ тупрокларда ҳам ўсади, ҳавонинг ва тупрокнинг намлигига етарли даражада талабчан. Аммо йиллик ёғин - сочиннинг миқдори 700-1000 мм бўлганда табиатда қияликларнинг барча экспозицияларида ўсади.

## **2008046 КИПАРИС**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 30-35 (45-50 м), танасининг диаметри 90-150 см келадиган бир уйли дараҳт. Ёшлик даврида танаси тепага қараб кучли тораяди, шоҳшаббаси тор-пирамидасимон, ёши ортган сари танаси цилиндрга яқинлашади, шоҳ-шаббаси эса пирамидасимон ёки кенг ёйилган шаклда бўлади. Новдалари икки ҳил: ён, тўклиладиганлари (кузда барглари билан) ва тепа қисмидагилари, улар қишида қоладилар. Пўстлоги тўқ-қизгиш-жигаррангли, диаметри 10-15 см, бўйига қараб чукур ёпикчалари билан. Барглари патсимон, чизикли, тепа қисми думалоқ, юмшоқ, оч-яшил рангли, узунлиги 16-18 мм, икки каторли (тароқсимон) бўлиб жойлашган. Куббалари тескари тухумсимон, думалоқ-овал шаклида, узунлиги 2-3 см, тўқ бўзранг, ҳарбир танганинг остида битта (камдан-кам 2) уч қиррали уруғ, узунлиги 15 мм, жуда қалин ёғочсимон қобиги билан.

## **2008047 ДОИМ ЯШИЛ КИПАРИС**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 25 м гача етадиган (30 м) кенг шоҳ-шаббали ва узун деярли горизонтал йўналишдаги навдалари ёки тор конуссимон (устунсимон) шоҳ-

шаббалари ва калта, тепага ўсаяпган, танасига зич ёндошган новдалари билан. Игнабарги майда тангасимон, чўзиқ – ромбсимон. Крест шаклида жойлашган, новдага зич қисилган. Куббалари думалок, калта новдачаларда осилиб турадилар, пишиб этилган қуббалари кулранг – жигарранг, диаметри 2-3 см.

Куббанинг тангачалари 8-14 дона, улар нотўғри 5-6 бурчаклилар марказида калта ўтмасланган тифи билан. Уруглари қизғиши-корамтири, қиска қанотчаси билан, харбир тангачани остида 20 донагача. Дараҳт ёшлик йилларида тезроқ ўсади, 3 ёнда унинг бўйи 1-2 м, 50-60 ёнда ўсиш камаяди ва 100 ёнга яқин у энг катта баландликка эришади.

### **2008041 ЭЛДОР ҚАРАҒАЙИ**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Бўйи 12-15 м кенг шох-шаббали дараҳт. Игнабаргининг узунлиги 10-12 см оч яшил рангли, қуббалари чўзиқ – тухумсимон, узунлиги 5-8 см, диаметри 3-5 см, оч-қизғиши-жигаррангли. Ёргувчалик, аммо ён томонидан унча катта бўлган сояликка чидамли, юқори қисми сояликка чидамли эмас. Жуда қурғоқчилик ва иссикга чидамли, кучсиз шўрланган тупрокда ўсиши мумкин. Совуқга чидамлилиги етарли даражада эмас. Илдиз тармоги яхши ривожланган, унинг узунлиги 4 м дан ортади, шунинг учун у шамолларга чидамлидир. Табиий ареали жуда чегараланган. Марказий Кавказ ортидаги қуруқ тошлок даштда кичик майдонни эгаллайди у денгиз сатҳидан 500 м баландлукка яқин жойларда кичик ўрмонларни ҳосил қиласди.

### **2008040 ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Тупрок ва иклим шароитларига қараб бўйи 20-40 м га етадиган дараҳт. Ёш дараҳтларнинг шох-шаббаси конуссимон, ёши катталариники кенг айланали ёки соябонсимон. Танасининг пастки қисмидаги пўстлоги қалин, қизғиши-корамтири, чукур эгатсимон айрим ҳолда пластинкасимон; танасининг юқориги қисмida ва шох-шаббасининг шохларини асосида – сариксимон, ингичка плёнкаларга ўхшаб қаватланади. Игнабарлари 2 донадан жойлашган, узунлиги 4-7 см, эни 2 мм, зич, бироз қайрилган, ўткир, у 3 йил сақланади, кулранг – яшил ёки зангори тусли.

Куббалари якка-якка, ёки 2-3 тадан жойлашган, тухумсимон – конуссимон, чўзиқ ёки қисқа – ўткирли, қийшайган калта бандларда пастга

қараб қийшайган, кулранг – жигарранг, ялтироқ, узунлиги 2,5- 7 см, диаметри 2-3,5 см. Ёшлигиде тез ўсади, 20-25 йилдан кейин секирок ўсади ва 60-70 ёшларда унинг йиллик ўсиши шунча камаядик, қоақарағай (ель) уни ўсишда етиб олади. Жуда ёруғсевар тур.

### **2008038 ОБЛОНГА**

Манзаради Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Кўпинча унча катта бўлмаган, ихчам, жуда манзаради бута ёки унча катта бўлмаган икки уйли дараҳт, шоҳ-шаббаси устунсимон ва калин. Барглари узунлиги (1,6-2 см), тор, тиканли бўлгани билан фарқланади. Пўстлоги – қорамтири-кулранг. Куббасининг диаметри 8-9 мм гача, думалок ёки овал шаклли, қорамтири – яшил кучсиз билан. Уруғлари 3 донадан, чўзинчоқ-овал шаклли, уч-қиррали. Киш фаслида игна барги яшил рангда бўлиб колади. Очик, куёшли жойларда яхши ўсади.

Этилиб ўсадиган новдали шакли маълумдир, у J. Wittmanniana Stev деб номланади. Табиий равишда Кавказ ва Догистонда, Туркияning чегарасигача, Анатолиянинг шимоли-шарқ ва Эронни шимолида ўсади. Бўйи 10-11 гача етади.

### **2008039 КАЗАК АРЧАСИ**

Манзаради Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Икки уйли, паст бўйли ерга ёндошиб ўсуви чи бута, бўйи 1,5-2 м, айrim ҳолларда қийшик кўтарилиган новдалари билан. Ёш ўсимликларининг игнабарглари игнасимон, юмшок, ёши катталариникида кўпинча тангасимон ва пастки мевасиз ўсимликларида айrim ҳолларда игнасимон. Куббалари деярли шарсимон, майда, узунаси 5-7 мм ва диаметри 5-6 мм, тўқ кулранг зангори қобиғли. Куббада уруғлар 2-6 дона бўлади. Секин ўсади, жуда совукга чидамли, МДХ да Санкт-Петербург кенглигигача ўстирилиши мумкин. Ёруғсевар, аммо енгил сояда ўсиши мумкин ва шу ҳолда мева ҳосил қиласиди. Қурғоқчиликка, тутун, газга чидамли.

Тупроқга жуда талабчан эмас, тошлок тупроқларда, охакли тупроқларда дарё атрофидаги нам ва кўчувчи қумларда ўсади, ўзи эгаллаган жойларда новдасининг илдиз отиши билан тарқалади.

## **2008037 ҚРИМ ҚАРАГАЙИ**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Баландлиги 20-30 (50)м бир уйли дараҳт, шох-шаббалари ёшлиқ пайтида пирамидасимон, ёши каттароқ дараҳтларники кенг ёки (зонт) соябонга ўхшаш. Игнабарглари 2 тадан жойлашган, ингасимон, бироз қайрилган, узунлиги 8-15 (18) см, тўқ-яшил, жуда зич, новдаларини қалин тарзда қоплади. Куббалари якка-якка, ёки 2-4 тадан, жуда калта бандларда ёки ёпишиб жойлашади: пишиб этилган куббалари қорамтири-сариф, тухумсимон-конус шаклида, узунлиги 8-10 см, диаметри 4-5 см.

Юкори манзарали ва фитонцидли дараҳт. Тупрокга талабчан эмас, құмларда ҳамда тошлок, оҳакли тупроқларда яхши ўсади. Чуқур оҳакли құмоқли тупроқларда ҳам яхши ўсиши кузатилган, Ватанида (Крим тоғлари) деңгиз сатхидан 700-900 м баланликда бонитети юкори, ўртача куруқ оҳакли ва оҳаксиз тупроқларда ўсиши мумкин. Құрғочиликка чидамли, ёргуввар тур, очик, күёшли жойларда яхшироқ ривожланади. Бақувват илдиз тармогини вужудга келтиради, ва шунинг учун шамолга жуда чидамлидир. Шаҳар шароитларида тутунга чидамлироқ (оддий қарагайга нисбатан).

## **2008036 МЕТАСЕКВОЙЯ**

Манзарали Бөгдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чикириш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Метасеквойя – бир уйли, барги тўқиладиган, шох-шаббаси кенг, танаси чиройли дараҳтдир. Ватанида унинг бўйи 30 м дан ошади, танасининг диаметри 2 м дан ортади. Шох-шаббасини узун новдалар ташкил этади, улар қисқа новдаларни ҳосил қилиб ўсиши давом эттирадилар, шуларда барглар жойлашади, бу барглар ҳар йили тўқилади. Метасеквойя жуда тез ўсуви ўсимлик. Нормал равишда ўсиши учун уни мунтазам равишда сугориб туриш керак, ёргуввар, шамолга чидамли. Совуқга етарли равишда чидамли.

Тез ўсуучан ва жуда манзарали дараҳт тури у боғ – паркларни барпо этишда катта аҳамиятга эгадир. Ўсиши текис, манзарали, кенг пирамидасимон шакли метасеквойяни газонларда солитерларни барпо этишда жуда яхши самара беради, ундан аллея, гуруҳ ва кичик массивларни барпо этишда ҳам кўллаш мумкин.

## **2008035 МОЖЖЕВЕЛЬНИК**

Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан топширилган.

2009 йилдан Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

Икки уйли баландлиги 12-15 (30 м гача) м, юкорига кўтарилиган ёки ёйилган новдалари билан, улар тор ёки кенг пирамидасимон шох-шаббани ташкил этишади. Ёш (ювенил) игнабарги чизик-ланцетли, бигизга ўхшаб ўткир, узунлиги 0,4-0,3 см, 2-3 тадан жойлашган. Типиқ игнабарги тангасимон, черепицага ўхшаб бир-бирини устида жойлашган, узунлиги 1-2 мм, тўқ-яшил рангда. Қуббалари одатда, жуда сероб, майда, тўқ қулранг қопламаси билан, гуллаган йилида пишиб этилади. Уруғлари кўпинча 2, камрок 1тадан бўлади.

Ўсишининг биринчи йиллари нисбатан секин ўсади, кейинроқ эса-тезроқ. Ёввойи ҳолда Шимолий Американинг қисмиди ўсади. Марказий Осиёнинг республикаларида совукга, кургоқчиликка чидамли, Ўзбекистонда у ўзининг иккинчи ватанини топди: нормал равишда ўсади ва мева беради, уругидан табиий равиша ёш ўсимликлари ўсади, аммо сугориш шароитидагина яхши ўсади. Ўзининг манзарали сифатлари ва хўжалик аҳамияти бўйича арчаларнинг ичида энг қимматлиси дир. У ўзининг совуқга жуда чидамлигиги туфайли кенг миқёсда фойдаланиш мумкиндири (Белоруссия, Болтиқ буйи шароитларида ҳам), шаҳар шароитларда кургоқчиликка чидамли ва тупроққа талабчан эмас.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Экинлар номи</b>	<b>Бет</b>
Техник экинлар.....	2
Галла экинлари.....	27
Дуккакли дон экинлари.....	68
Мойли экинлар.....	73
Озуқа экинлар.....	90
Туганак мевалилар.....	95
Сабзавот экинлари.....	123
Полиз экинлари.....	313
Мевали дараҳтлар.....	337
Манзарали экинлар.....	355

Күргөкчилик миңтақаларда кишелок хұжалиғи тадқиқотлари халқаро маркази. "ICARDA" күмәгіда чоп этилди